



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 23 сентябрь, чоршанба • № 74 (11.057) • Эркин нарҳда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябрь кuni Ҳақон банкининг Вице-Президенти Иоханнесс Линн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ушбу таширифнинг сизга Ўзбекистонда Ҳақон банки кредитлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси билан янада яқинроқ танишиш имконини беради. -- деди Ислам Каримов. -- Бугунги кунда Оролбуйи ҳавзасидаги экологик аҳолини яхшилаш, глобал экологик фонд суви билан таъминлаш, умуман, глобал экологик фонд ва бошқа қатор муҳим йўналишларда Ҳақон банки Ўзбекистонга қўриқиб турган ёрдам эътиборга молик. 1992 йилдан бунён Ҳақон банкининг тўла ҳуқуқли аъ-

қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорчилик изҳор этди. У Ҳақон банки билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари торабора кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, икки томонлама алоқаларини янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Б. Хамидов иштирок этди.

(Ў.А.)

Тошкентда 1-Халқаро симфоник мусиқа фестивали ўз ишини бошлади

## ШИОРИ — ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, ГЎЗАЛЛИК!

ЎЗБЕК халқининг бой ижодий меъроси, миллий аънавлари, шу жумладан, бетакор санъати нафақат шарқда, балки Европа мамлакатларида ҳам маълум эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда янада салмоқлироқ санъат асарлари яратилиши ва уни халқаро сахналарга олиб чиқиш имконияти юзага келди.

Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивали ҳамон кўпчилигининг ёдида. Кеча «Туркистон» саройида тантанали очилган Халқаро симфоник мусиқа фестивали ана шу эзгу тадбирнинг давоми бўлиб, десак хато бўлмайди. Ҳўш, мазкур фестивални ўтказишдан мақсад нима? Унда қайси давлатлардан вакиллар қатнашади? Фестиваль концерт дастурига киритилган асарлар қаерларда намойиш этилади?

Кеча эрталаб Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ва шунга ухшаш масалалар атрофида батафсил тўхталиб ўтилди. — Юртимизда илк бор ўтказилаётган симфоник мусиқа фестивалида иштирок этиш учун дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан кўзга кўринган

мусиқашунослар, бастакор ва ихрочилар келиши бу анжуманининг нуфузи анча баланд эканлигини белгилай олади. — деди конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг раиси, санъат арбоби Рустам Абдуллаев. — Фестивалда Бангкогдаги университетлардан бирида композиция профессори бўлган таниқли мусиқашунос, Таиланд композиторлари уюшмасининг раиси Вирават Премананда, Люксембургдан Вальтер Чивитареале, корейлик Ли Ку Вонг, туркиялик машҳур бастакор Ялчин Тура ва бошқалар ўз асарлари билан иштирок этадилар.

Фестиваль дастурига киритилган тадбирлар ва концертлар Тошкент Давлат консерваториясининг залида, шунингдек, «Туркистон» санъат саройи, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бўлиб ўтади. Дастурга



Ўзбекистонлик ижодкорларнинг ўттиздан зиёд симфоник-камер асарлари ҳам киритилган. Биз мазкур мусиқа байрамида бевоосита иштирок этишни истаган барча томошабинларни ана шу мухташам қошоналарда кутамиз.

Кеча «Туркистон» саройида отахон бастакор Мутал Бурхоннинг «Алишер Навоийга қасида» асари билан бошланган халқаро симфоник мусиқа фестивалининг мақсади эса юртимизда ўтказилаётган бошқа нуфузли анжуманлар широридан фарқ қилмайди. Яъни: ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, ГЎЗАЛЛИК! Зеро, санъатни яқинлаштириш — эл-элатларни эзгулик йўлида ақдид қилмоқ демасқидир. Ана шундай юксак ният билан бошланган фестивал ишига муваффақият ёр бўлсин!

Зарифа ЭРАЛИЕВА,  
«Тошкент ҳақиқати»  
муҳбири.

## Толибхон ШАҲИДИЙ:

### «ЎЗБЕКISTON MEN UCHUN AYNIQSA QADRDON»

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган халқаро симфоник мусиқа фестивалида жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан эликка яқин мусиқашунос, композитор ва дирижёр қатнашмоқда. Шундан бири тожикистонлик таниқли композитор, Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти совриндори Толибхон Шаҳидийдир.

Чинакам мусиқа асарининг сермаъно гоъвий моҳияти билан ажралиб туради. Унда шахс ҳаёти муаммолари, фалсафаси, ҳиссий кечинмалари акс этади. Т. Шаҳидий «Ҳайёмнинг руҳийлари» фильм-балети, «Юсуф ва Зулайха», «Сиевуш» балетлари, «Лайлак-халиф» операси, оркестр учун ёзган «Садо» поэмаси, камер оркестр учун яратган «Сўфий рақслари» ва бошқа кўплаб асарлари билан мусиқа ихлосмандлари яхши таниш. У АҚШ, Германия, Швеция, Япония каби мамлакатларда ўтказилган мусиқа фестивалларида қат-

нашган. — Мазкур мусиқа фестивалига тақлиф этилганидан жуда хурсандман, — дейди Т. Шаҳидий. — Бизнинг минтақамизда бундай катта мусиқа анжумани илк бор ўтказилмоқда. У Марказий Осиёнинг ҳар томонлама тараққий этиб бораётган мамлакатидир бўлиб ўтаётгани билан диққатга сазовордир. Ўзбекистон мен учун айниқса қадрдон. Отам — атқоли тожик композитори Зиёдулло Шаҳидий Мухтор Ашрафий, Мутал Бурхон каби таниқли ўзбек бастакорлари билан яхши ошно бўлган. У ўзбек ва тожик тилларида

шеърлар ёзиб, кўшиқлар яратган. Мамлакатингизда бўлиб ўтган Тожикистон кунларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Биз икки тилда сўзлашувчи бир халқмиз» деган ибораси нақадар ҳаётий эканига ана бир бор ишонч ҳосил қилиб турибман.

Ўтаётган фестивал яна шуниси билан кувонтирмакдаки, унда кўплаб хорижий мамлакатлар билан бир қаторда таниқли ўзбек бастакорларининг етук асарлари ижро этилади. Мен бу нуфузли анжуманга ўзимнинг торли оркестр учун ёзган «Фирдавсийнома» асарим билан келдим. Уни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижро этади.

Б. МАНСУРОВ,  
Ў.А. муҳбири.

## Шу сонга Шу сонга

### ПУДРАТЧИНИНГ САЛМОҚЛИ ХИРМОНИ

Акмал эрта баҳорда оила аъзолари билан икки гектар ерни пудратта олиб, «Фаргона-3» навли пахта чигитини барвақт экиб, тўла ундириб олган эди. Гўза парварши ишлари ҳам уюшқоқлик билан, сифатли ўтказилди. Экин ўйитга, сувга қондирилди. Ҳар гектар ерда салкам юз минг тупдан кўчат пишиқ етилгунча сақлаб қолинди.

Бундан бир ҳафта илгари пудратчи даласида бўлган киши бодрокдек оппоқ очилиб кетган пахталарни кўриб, кўзи қувнардди. — Қойил-э! — деди Акмалжоннинг даласини айланган жамият раиси, — кўшнлар ҳашар қилиб юборишинми?!

— Айни муддао бўларди, — деди Акмалжон. Шундай қилиб, пудратчининг даласида ёппасига кўл терими авж олдириб юборилди. Буни қарангки, хирмон жуда тез кўтарилди, эртасигаёқ режа урдаланди. Ҳар гектаридан 27 центнердан ошириб ҳосил топширилган эди.

— Хали даламизда ҳосил бор, — дейди Акмал Билолов. — Теримни кизгин давом эттирмакдамыз. Ниятимиз ялпи хирмонни ўн тоннага, ҳосилдорликни эса 50 центнерга етказиш.

Пудратчи оиласи албатта, ниятига етади. Чунки улар бунга замин яратилган.

Н. ИСАЕВ.



## БўКА туманидаги Гаффор Азаматов номли хўжалик далаларида бўлган қишининг кўзи қувнади.

Дехкон меҳрига қонган гўзаллардаги шигил кўсақлар бодраб очилмоқда. Пахтакорлар ҳар дамни ганимат билиб, йигиртеринини кун сайин қизитмоқдалар. «Меҳнат шўҳрати» ордени нишондори Мавлуда Кенжаева бошлик бригада азаматлари 56 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олишга аҳд қилишган. Аҳдига содиқ пахтакорлар бор ҳосилни қисқа муддатда саранжомлаб олиш мақсадида бор имкониятларини ишга солимоқдалар. Шунинг учун ҳам бригада, хусусан хўжаликнинг «оқ олтин» хирмони тобора юксалиб борапти.

Суратда: бригаданинг хирмонига 80-100 килограммдан пахта териб топшираётган чевар теримчи Тамара Расулова.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

## Куюнчак газетхон мактуби

### ҲАМИЯТГА ТЕГАДИ

ИНсон табиятан энг фаросатли, энг онгли зотдир. Бирок, бепарволик, лоқайдлик қусурдан батомом ҳолос бўлган эмас. Буни, айниқса, табиятга бўлган муносабатда кўпроқ кўрамыз. Табиат ўз эҳсонларини бизга беминнат ҳадя этар экан, шунга яраша парваршини ҳам талаб этади.

Оби-ҳаёт ҳисобланган ва бизнинг минтақамизда доимо қадрланиб келинаётган сув тозаллиги масаласига эътибор қамайиб бормоқда. Шу боис вилоят ҳудудидида дарё, канал ва ариқлар ҳолатига бир назар ташлаёлик. Чирчиқ дарёсининг

Пскент туманларидан оқиб ўтувчи Гижон дарёси қирғоқлари ташландиқ темир-терсақ, техника қисилари, гилдирак, хайвон суяқлари ва бошқа чиқиндилар билан тўлиб-тошиб ётибди. Айниқса, ҳаром ўлган хайвонлару паррандаларнинг сувга ташланганлиги кишининг гашини келтиради. Наҳотки, халқимиз бунга беварқ қарайди? Аждодларимиз ҳар қил чикиндаи ва озёқ-овқат маҳсулотларини ташлаш тугул, ҳатто сувга тулуришини катта гуноҳ деб билишган. Бундан 20-

25 йил муқаддам шу дарё ва ариқлардан тўйиб-тўйиб сув ичардик. Бугунга келиб ҳадисираймиш. Санитария-эпидемиология шохобчалари, сув хўжалиги идоралари, агросаноат бирлашмаси ходимлари ва мутасадди раҳбарларнинг парвойи фалакка ўхшайди. «Табиатни асранг!», «Сув — ҳаёт манбаи!» каби мавзуларда баландпарвоз нутқлар ирод қилишимиз мумкин. Аммо агароф-мухитни муҳофазат қилишга ҳар қил эндошадим, шекилли йўлда, бундай ачинарли ҳол вужудга келмаган бўлар эди.

Аҳмаджон АБАЗОВ,  
БўКА туманидаги 52-ўрта мактаб ўқитувчиси.

## ФАЛЛА ЭКИШГА КИРИШИЛДИ

Тошкент вилоятини деҳқонлари кузги дон экишга киришилди.

115 минг гектар ерга асосан Андижон вилотида етиштирилган юқори ҳосилли «Юна» нави экилмоқда. Фаллакорлардан умумий фойдаланиб, барча ишларни 10 октябргача тугаллашга аҳд қилганлар.

Ў.А. муҳбири.

## Вилоят ҳаёти

Янгиликлар, одамлар, воқеалар

### БЕШ ТАНЛОВНИНГ БЕШ ҒОЛИБИ

Мамлакатимизда маърифий-маданий ишларга катта эътибор берилаётган. Айниқса, Оила йилида ўтказилаётган бу борадаги тадбирлар ўзгача мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Яқинда Чирчиқда бўлиб ўтган кўрик-танловлар ана шу мақсадларга қаратилди.

Маҳаллалар ўртасида ўтказилган таълим-тарбия ишлари кўрик-танлови нафақат иштирокчиларни, балки барча томошабинларни ҳам тўқинлантирди. 3- ва 39-маҳаллалар аъзолари Шароф Раҳматов ҳамда Усман Носиров оилалари «Энг ибратли оила» деб топилди. Сунатулла Усмонов, Рихсибой Йўлдошев бошқараётган 8-ҳамада 37-маҳаллар «Энг ибратли маҳалла» номига сазовор бўлди. Равшан Акрамов ва Нилуфар Саид-валиевалар «Энг ибратли маҳалла кўмитаси раиси». 10 нафар келин-куёв, 35 нафар неварра-чевараларнинг бувиси Назира ая Абдуқодирова «Энг ибратли қайнона», 20-маҳаллада яшовчи Муҳаббат Қоратоева эса «Энг ибратли келин-чак» беллашувлари ғолиби бўлишди. Кўрик-танловда ғолибларга шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари таъсис этган қимматли совғалар берилди.

Ҳалима АМИНОВА.

## САҲОВАТ

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, уруш ва Чернобий фожияси қатнашчилари ҳамда афғончи жангчиларга моддий ёрдам бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қурсатиб келмоқда.

Яқинда шаҳардаги меҳрибонлик уйининг 58 нафар тарбияланувчилари омонат дафтарчаларига қўшимча 58 минг сўм ўтказилди. Шундай қилиб, улар ҳар бирининг жамғармаси бугунгача 20 минг сўмга етди. Бундан ташқари, шаҳримизда 150 дан ортиқ ёлғиз ва ёрдамга муҳтож оилалар бор. Ҳокимлик ва жамоат таш-

килотлари вакиллари уларнинг хонадонларига тез-тез таширф буюришиб, ҳол-аҳволларидан хабар олиб туришади. Уларга совға-салом улашиб, кўнгиллари кўтаришади. Бундай саховатдан баҳраманд бўлган қарилар миннатдорчиликларини изҳор этиб, замонамизга шукрона айтмоқдалар.

Салимаҳон ЯМИНОВА.

## ТАБИАТ ДУНЁСИ — ГЎЗАЛЛИК ДУНЁСИ

Яқинда Юқоричирчиқ туман марказий кутубхонасида «Табиат дунёси — гўзаллик дунёси» деб номланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани туман марказий кутубхонаси ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшлари-

нинг «Камолот» жамғармаси туман ўқитувчилари ҳамкорлиқда ўтказилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

## ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Вилоят енгил, маҳаллий, мебель санъати, коммунал, маиший хизмат қорхоналари ходимларининг вилоят касабга уюшмаси қўмитаси хотин-қизларнинг меҳнат шайоқларини яхшилаш, уларга қўшимча имтиёзлар беришга алоҳида эътибор бормоқда.

Бу иш, айниқса, Оила йилида янада кучайтирилди. Бундан шу соҳаларда ишлаётган тўққиз минг нафардан ортиқ аёллар баҳраманд бўлмоқдалар. Жумладан, 14 ёшгача икки нафар ва ўндан ортиқ фарзанд бўлган оналарга ҳар йили меҳнат таътилга уч кун қўшиб берилпти, шу кунлар учун пул

Собир ҲАМИДОВ.

## ҒОЛИБ — ОҚКЎРҒОНЛИК МУАЛЛИМ

Ўзбекистон Давлат тест маркази томонидан тайёрланган саволлар республикамизнинг умумий таълим мактабларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқувчиларнинг билимларини баҳолашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай тестларнинг энг мақбул намуналарини яратиш мақсадида «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифлари» деган республика танловини ўтказиш аниқанага айланб борапти. Бу йилги ижодий кўрикка 200 га яқин тест намуналари ишланганлиги тақдими этилди. Шунлардан аксарияти танловда ижобий баҳо олди. Ҳимия фани бўйича тузилган тест саволлари тасдиқ Оққўрғон туманидаги лицей-интернат ўқитувчиси М. Алибеков ишланмаси юқори баҳолини, биринчи даражали мукофот билан тақдирланди.

Ақбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ  
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий газетаси «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» минг-минглаб ўқувчиларнинг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмақдоши ва таянчидир. У нафақат вилоятимиз ҳаётида, балки жонажон Ватанимиз ва хорижда юз бераётган муҳим янгиликлар билан ҳам газетхонларни мунтазам таништириб келади. Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги фидойиликларни, кенг

**АЗИЗ МУШТАРИЛАРИ**  
«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча почта-алоқа бўлимларида газетаси ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзма сўраш ва мунтазам равишда хонадонингизга етказиб бериладди. Вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисобланган:

**ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:**  
1 ЙИЛГА — 2012 СЎМ 28 ТИЙИН  
6 ОЙГА — 1006 СЎМ 14 ТИЙИН  
1 ОЙГА — 167 СЎМ 69 ТИЙИН

**ТАШКИПОТЛАР УЧУН:**  
1 ЙИЛГА — 2612 СЎМ 28 ТИЙИН  
6 ОЙГА — 1306 СЎМ 14 ТИЙИН  
1 ОЙГА — 217 СЎМ 69 ТИЙИН

**Нашр курсаткичларимизнинг эслатиб ўтамиз:**  
Якка обуначилар учун — 205  
Ташкилотлар учун — 206

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

— СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

қўламли ислохотларнинг боришини тўлақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, мафкура, маънавият, маърифат масалаларини ёритиш ижодий жамоамизнинг асосий мақсадиридир.

«Тошкент ҳақиқати» 1999 йилда ҳам «Хуқуқ сабоқлари», «Маънавиятимиз сарчашмалари», «Дилдаги гаплар», «Турмуш чоррақаларида», «Олам ҳафта ичида», «Табиат ва инсон», «Оқибат», «Аёл олами», «Спорт» сингари Сизга таниш ва манзур бўлаётган руқиялар остида қизиқарли мақолаларни эълон қилиб боради. Телекўрсатувлар дастури мунтазам чоп этилади. Реклама ва эълонларингизга кенг ўрин беради.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

Вилоят ҳаёти  
Янгиликлар, одамлар, воқеалар

Муносабат

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ТАРТИБИ

1

Натан Шаранский жаҳон афкор оmmasига яхши таниш. Хуқуқ ва демократия ҳимоячиси бўлган бу зот ҳозир Исроил сановат ва савдо вазир...

2

бўлганини, тасаввур ва тафаккуримиз, бутун маърифий дунёда асплар давомида шаклланган ва бугунги кунда демократик тараққиёт...

Мамлакатимиз раҳбарияти ҳалқимиз фаровонлигининг мутасил ўсиб бориши учун барча чораларни кўрмоқда. Хар томонлама тараққий этган давлатни қарор топтириш учун асосий йўналишларни тўғри белгиламоқда...

Бундай ҳулоаса чиқариш учун асос етарли. Масалан, иқтисодиётнинг умумий аҳолини белгиловчи ялпи ички маҳсулот ҳажми 1996 йилда 1,6 фоиз, 1997 йилда эса 5,2 фоиз ўсган эди...

Иқтисоднинг барча бўлими ва тармоқлари мутасил ва барқарор ривожланимоқда. Сановат маҳсулотли ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 6,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 7,4 фоиз, қурилишда 3,5 фоиз ўсиш таъминланди...

Чунки инсон бахт-саодати ва фаровонлигини таъминлаш сўбастимизнинг бош максасидир. Юртбошимиз Ислам Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамасининг йўғилишида таъкидлаганларидек, «Биз амалга ошираётган ўзғаришлар, янгилаш ва илхотларнинг асосий мазмуни — шу азиз дийрда ашаётган инсонларнинг оғирини энгли қилиш, уларнинг фарован ва тўқис яшаш ва меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат...

Ҳаётимизнинг ҳар бир қуни, ҳар бир оий, ҳар бир йили кишиларга қониқшиш ва мамнуният бағишлаш даркор. Амалда шундай бўлмоқда. Юртимизда ҳар бир меҳнатқаш бемалол фаолият кўрсатиши, ўз билими, малакаси, иқтидорини, салоҳиятини ишга солиб барақали ишлаши, ўз меҳнатлари самарасидан кўпроқ баҳраманд бўлиши учун барча қарорлар бор. Бу қарорлар қонун ва қарорларда, ҳусусан, Ўзбекистон Ко...

3

ституциясида ўз ифодасини топган. Яқинда биринчи қақрик Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳкисли ўз иккинчи сессиясида қорбосимиш шундай дедилар: «Конституцияда бинон хар бир кишига эркин танлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган. Ғуқорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳоқимиятининг бутун қуни, қонун қуни билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади...

Албатта, юртимизда жамяят аъзоларига берилган ҳуқуқ ва эркинликлар қабул қилинган қонун-қондалар доирасида амал қилиши ҳоқим. Инсоннинг ҳуқуқларини тиклаш, ҳимоя қилиши қуний эйтиш учун аввало фуқаролар ўз конституцион ҳуқуқларини, қонунлари яқин билиши лозим. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда қонунлар, фармонлар ва қарорларни умумий ва ўзаро алоқадор ҳолда ишлаб чиқариш тизими қарор топган. Бу демократик давлатнинг ўзига хос белгиладир бири десак янгилашган бўламиз. Чунки, кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзига хос эмас, балки, қонун ва меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш умумхалқ тамоилии ҳам вужудга келди. Қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳужжатларнинг лойиҳаларини кенг ва ошқора муҳокамага қўйиш амалиётида мустаҳкам ўрин эгаллади. Қабул қилинган барча қонунлар, меъерий ҳужжатлар матбуотда эълон қилинмоқда. Уларни оммага етказиш учун тўшунтириш ишлари олиб бориляпти...

Қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва меъерий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш қўн жиҳатдан янги ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки, уни бажарилиши билан белгиланади. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўғимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилиши ўғанишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялаши, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришимиз керак. Ўзимиз билан бирга бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлиш фаолиятимиз мезонига айланмоғи даркор...

Мамлакатимизда юртимиз фуқаролари билан биргаликда чет эл сармодорларининг ҳуқуқлари қарорланганлигини уларнинг бемалол фаолият кўрсатишлари учун кенг уфқлар очиб бермоқда. Улар Ўзбекистонга бой ҳоқ манбаи деб эмас, ишончли шерик деб қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам юртимизда энг сўнги техника ва технология билан қуролланган қўша ҳорхоналар...

4

сони қун сайин ортиб борапти. Биргина Тошкент вилоятида бугунги кунда 104 та қўша қорхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқараётган ҳақон стандартига мос сифатли буюмлар нафақат ички бозорда балки чет эллик энг талабчан харидорларга ҳам манзур бўляпти...

Мустақилликнинг дастлабки йилларида айриликларнинг: «Ўзбекистон ҳоқ ашени ва олтинини четта сотиш билангина чет эл техникасини ва технологиясини харид қилиши мумкин», дея «ба-шорат» қилишганини яқин биламиз. Амалда эса юқорида айтганимиздек ақсинча тадрижий йўғдан илгариланмоқда. Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йўғилишида таъкидлаганидек: биринчи ярим йўғиликда ташқи савдо оборотининг салдо қолдиғи ҳам ихобий бўлиб, у 200 миллион АҚШ долларидан ортиди. Айни вақтда олтин-валюта захираларимиз сақлаб қолинди. Мамлакатнинг тўлов баланси мустаҳкамланди...


Юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш тамоилии янада қунайди. Ҳусусан, механик асбоб-ускуналарни экспорт қилиш 4,5 марта, электр жиҳозлар, жумладан, телевизорлар, видеомагнитофонлар ва аудиторика экспорти — 2,6 марта, трикотаж матоларини четта сотиш 2 мартадан зиёд ортиди...

Бошқа маҳсулотлар — автомобиллар, кимёвий буюк ва лаклар, пилламар ва бошқа буюмлар экспорти ҳам қўнайиб бормоқда. Энг муҳими одамлар тўнч иходий меҳнат билан бандлар. Улар яратиб берилган ҳуқуқий қарорлардан баҳраманд ҳолда, юрт равнақи йўғда тер тўқиб, ҳуқуқий, демократик жамяят барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшмоқдалар...

Хориллик шерикларимиз эса, Ўзбекистондаги вазиятни тўғри баҳолаб, янги-янги тақлифлар билан келмоқдалар. Мақолининг бошида тилга олинган Исроил сановат ва савдо вазир Натан Шаранский ҳам Қўбрайга қорхонанинг очилиш маросимида қатнашиш учун биз ўзи келгани йўқ. Ўзбекистонга вазир билан бирига Исроил бизнесменларининг қатта гуруҳи ташриф буюрди. Улар юртимиз ишбилармонлари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида бир қанча битимларни имзолашди...

Шаранский Президентимиз Ислам Каримов билан учрашгандан сўнғ журналистларга қорбосимиш ҳақда: «Тутган йўғи шу қадар аниқ бўлган ва ўз йўғини шу қадар аниқ белгилаб олган сиёсий раҳбаримиз кам учратганман», деди. Ортиқча изоҳга ҳолат бўлмас керак. Зеро, ўз йўғини ойдун қурадиган раҳбар бош бўлган ҳалқнинг истиқболли порлоқ бўлади...

Каримжон РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг шарҳловчиси.



МЕНИ... АЛИШЕР ДЕРЛАР

истикболи ҳақда жон куйдирадиган, тинимсиз меҳнат машаққатидан асло қўймайдиган ҳар қайси қиз-йигит бундай муваффақиятга эришиши мумкин экан. Аслида мен Тошкент Давлат Автомобиль йўғлари институтининг IV—босқич тоғлибиман. Иқтисодий куллиётда маркетинг иқтисослиги бўйича таълим оламан. Халқаро муомала тили бўлган инглиз тилини яқини ўрганганман. Яққасарой туманидаги 91-ўрта махсус мактабни тугатганман. Ота-онанинг касби шифокор бўлганиданми, лотин ёзуғида илхосим биланд эди. Шу боис инглиз тилини чуқур ўғанишга киришдим. Чет элга бориб ўқиш ҳуқуқини қўлга киришти...

...Менинг қувончим — чексиз. Негаки, Ўзбекистон тисмолида дунё кўриш саодатига эришдим. Мустақиллик тўғайли чет элда Америка Қўшма Штатларининг Аубурн дорилфундунида таъсил олиш бахтига муассар бўдим. Шодлиғимни барча билан баҳам кўриш ниятидаман.

Авалло мени шу даражага етказишда ўз меҳнатларини аямаган устозларимдан гоғта миннатдорман. Албатта, танлов гоғлиби бўлиш осон иш эмас. Лекин Ватан, миллат манфаатини ўғилган, халқининг кент Давлат Автомобиль йўғлари институтининг IV—босқич тоғлибиман. Иқтисодий куллиётда маркетинг иқтисослиги бўйича таълим оламан. Халқаро муомала тили бўлган инглиз тилини яқини ўрганганман. Яққасарой туманидаги 91-ўрта махсус мактабни тугатганман. Ота-онанинг касби шифокор бўлганиданми, лотин ёзуғида илхосим биланд эди. Шу боис инглиз тилини чуқур ўғанишга киришдим. Чет элга бориб ўқиш ҳуқуқини қўлга киришти...

XXI аср ёшлари

Менинг исмим — Алишер. Ким билади, балки бу номни отам бобомиз Мир Алишерга нисбат бериб қўйгандилар. Хар ҳолда халққа хизмат қилишга аҳд қилганман. Америкадаги тенғошларимга Ватанимиздаги ўзғаришлар, ўзбек миллий урф-одатларини, инсонни юқсак қадрлаш ҳусусиятларини, қўнғли очик, душманга...

Менинг исмим — Алишер. Ким билади, балки бу номни отам бобомиз Мир Алишерга нисбат бериб қўйгандилар. Хар ҳолда халққа хизмат қилишга аҳд қилганман. Америкадаги тенғошларимга Ватанимиздаги ўзғаришлар, ўзбек миллий урф-одатларини, инсонни юқсак қадрлаш ҳусусиятларини, қўнғли очик, душманга...

Алишер Обиджон ўғли ЗУФАРОВнинг дил сўзларини оққа кўчирувчи Ғафур МУРОДОВ.

ЖАМҒАРМА ГРАНТЛАРИ

«Евроосиё» жамғармаси марказий Осиедаги бешта республикада ўтказган танловда ҳамкорликни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳуқуқ берадиган 11 грантнинг гоғлиби аниқланди. Тошкентда танлов натижаларини қўнлашга бағишланган маросимда уларга бу грантларни бериш бўйича шартномалар имзолади. Маросимда мамлакатимизнинг бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, туркингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Тоғжикистон, Туркменистон ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари иштирок этди.

«Евроосиё» жамғармаси бундан беш йил бурун АҚШнинг «янғи мустақил давлатларда демократия ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қўмаклашувчи марказлардан жуда кўп ариштиришга қўмаклашувчи халқаро тараққиёт агентлиги маблаг ҳисобига ташкил этилган эди. Бу йўғли минтақавий танлов 1998 йил январда эълон қилинган бўлиб, илхотларни амалга ошириш борасида иш олиб бораётган ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, шу-нингдек, бу ташкилотлар ўртасидаги фаолиятни тақомиллаштириши қўллаб-қувватлаш учун ўтказилган эди. Танловда иштирок этиш учун махаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари, мактаблар, кутубхоналар, оммавий ахборот воситалари ҳамда бизнесни ўғратиш ва уни ривожлантириш марказларидан жуда кўп ариштиришга қўмаклашувчи тузилмалар тақдим этилган. 67 лойиҳани қўриб чиқиб, улардан 11 тасини энг яқини деб топди. Айнан шу лойиҳалар «Евроосиё» жамғармасининг молиявий жиҳатдан таъминлашига тавсия этилди.

Бу лойиҳалар мазкур дастурларни ўғанаётганлар учун семинарлар, конференциялар ўтказиш ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган. Лойиҳаларни амалга ошириш соҳасига талабаларни, теле-радио дастурларни айирбош қилиш, нашрларга обуна, электрон йўғ...

билан тарқатилаётган ахборот материалларини ишлаб чиқиш ҳам килади. Мисол учун, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Келажак илми» халқаро бизнес мактаби гоғлиб деб топилган лойиҳалардан бирини тақдим этди. Лойиҳада Марказий Осие мамлакатлари, Россия ва АҚШдаги олий ўқув юртлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесга қўмаклашувчи тузилмалар вакиллари иштирокида бизнес таълимоти муаммолари бўйича семинар ўтказиш назарда тутилади. Семинар давомида ишлаб чиқилган тавсиялар бу таълим соҳасини ривожлантиришга қўмаклашди. Бундан ташқари, лойиҳанинг амалга оширилиши келажакда халқаро минтақавий бизнес таълими бўйича жамоатчилик марказини ташкил этишни тезлаштирди.

— Жамғармамиз минтақада тўрт йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди «Евроосиё» жамғармасининг Марказий Осиедаги А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Газетхон муаммо кўяди

У ҲАМ ЭЪЗОЗ КУТАДИ

ОҲАНГАРОН тумани ер майдонининг ақсарият қисми баланд тоғлар, ян-яшил арчазорларга сархил невазорлар билан қилинган далага аздаб етди. Шу ҳоқда водий дарёси тоғ ён бағрларидан қайнаб чиққан эълон булоқлардан ҳосил бўлиб, унинг атрофида истиқомат қилаётган бободоғонлар заршунослар ва ҳимматли боғбонларга оби-ҳаёт вазифасини ўғайди. Тоғ ён бағрларида гурқираб ўсиб ётган турли дарахтзор, бутазор ва ўсимликларни қўриб, завқингиз ошадди. Тоғаводан тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Шу қунарда гарк пишиб ётган эълон гектар ердаги шафтоғлизору олмазорларга боқиб, беихтиёр қувонсан киши. Шундай пайтда сажий табиат қўнида фидокорна меҳнат қилаётган кишилар ҳақда сўзлашнинг келди.

Охангарон ўрмон ҳўжалиғи ходимлари ҳам бу воқеда янги боғ-роғлар яратиб, эл дастурхонини тўқин этишга муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жорий йилда астойдил меҳнат қилиётган жамоа катта ютуққа эришди. Жумладан, 100 минг туп мевали ва манзарали дарахт қўчатлари етиштириб, вилоят ҳамда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига етказиб беришди.

Тоғли ҳудудларда трасса усулида 32 гектар ер ўзлаштирилиб, 46 минг тупдан ортиқ мевали ҳамда манзарали дарахтлар ниқоллари ақилди. 4,5 гектар ерга эса 60 минг туп қурилишбоқ те-рак эқлиби, парварош қилинмоқда. Яқин ишлов берилаётган ниқоллар гурқираб ўсмоқда.

Ўрмончилар турли-туман доривор ўсимликларни ҳам таъйёрлашпти. Йил бошидан бери режадаги 1 тонна сарғиқ гул ўғинга 1 тоннаю 400 килограмм, 1 тонна ўғинга 1 тоннаю 200 килограмм тоғ райхони етказиб берилади.

тоғли ҳудудларида минглаб гектар ерлар фойдаланилма-сдан, ўт-ўлан босиб ётибди. Олтинга тенг еримиз қаровсизлик оқибатида хор бўлмоқда. Умри бекор ўтмоқда. Биз бу ерларда боғлар яратишимиз мумкин. Шунинг учун уни ихтиёримизга беришни илти-мош қилиб, қатор мутасадди ташкилотларга кўп марта му-рожаат қилдик. Бирок, ҳеч қандай натижа чиқмапти. Балки, мудроқ тутган раҳбарларнинг қўзини си-зинг рўзномангиз очар...

Яна бир фикр бор. Ҳамма ҳўжаликларда ҳам йил сайин мевалари сийрақлашиб қўриб қолаётган дарахтлар бор. Улар ҳисобдан чиқариб таш-ланади. Бирок қўнган дарах-тлар ўғинга мевали дарах-тлар ниқолларини қадаш қўпична унутуляпти. Бунинг устига фермер ҳўжаликлари нақд фойда изидан қувиб, мевали дарахт эқимайди. Чунки, янги боғ ўз мевала-рини 3-4 йилдан сўнғ беради. Бунга сабрларни чидама-япти. Халқимизда бир туп дарахт кессанг ўғинга ўн туп, юз туп ниқол эқ деган нақд бор. Шунга амал қилиш ке-рак. Акс ҳолда мевалар кес-кин камайиб кетиши мумкин. Бекор ётган ҳар қарий ердан унумли фойдаланайлик. Та-биат бизни боқар экан, биз-дан ҳам эъзоз кутади.

— Шўқри, ишларимиз барқарор. Қарзимиз йўқ. Аммо, айрим ташкилотлар биз-га қардор. Шу боис ҳодимла-римиз ўз вақтида маошларини олишмоқда. Урғача ойлук иш ҳақи 4,5 минг сўми ташкил қилинмоқда. Бундан барчамиз ҳурсандимиз. Аммо, шунинг ай-тиш керакки, Собир Раҳимов номли, Телов ширкат жамоа ҳўжаликлари яқинидати...

Мутал МУХАММЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг жамоатчи мухбири.



Хиссдорлик жамяятларида

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА ИШЛАШАПТИ

Мустақил мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида иморатлар ва уй-жойлар қурилиши кенгайиб бораётганлигини ҳисобга олиб қимматли бино-корлик материалли — линолеум ишлаб чиқариш йўға қўйилди. Айни вақтда аънанавий бўлган турли-туман маҳсулотлар билан истеъмолчиларни таъминлаш ҳам шу қорхонада биринчи бўлиб ўзлаштирилди. Сун ҳав-заларида сайор қилиш ишчибозлари учун резина қайқлар ҳам шу қорхона жа-моаси томонидан етказиб берилоқда.


Утган йўғини шу даврида истеъмол бозорига 307 минг жуфт миллий қалиш етказиб берилган эди. Бу йўғини ик-кинчи чорағида эса 523,5 минг-таси тайёрланди. Усиш 170,5 фоизин, режанинг бажарилиши эса сал кам 109 фоизни таш-кил этди. Биринчи июнь ойида ишлаб чиқарилган бундай маҳсулот ҳажми ўтган йўғининг шу давридагига нисбатан 313 фоизга етди. Жорий йил боши-дан бери истеъмол бозорига бир миллион икки юз минг жуфтдан ортиқ қалиш қўнатилды.

Бирлашма ишчи-хизматчилари автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқариши ҳам қўпайтиришга эришяпти. Бунинг қўнйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. Утган йўғини би-ринчи ярмида ҳаммаси бўлиб 1250та шина тайёрланган эди. Жорий йўғининг шу мuddати давомида 6 мингтадан ортиқ шундай маҳсулот миқозларга етказиб берилади. Маҳсулотнинг шу икки муҳим тури қорхона ишлаб чиқаришида етакчи мавқега эга бўляпти. Айни вақтда лино-

леум тайёрлаш ҳам давом этип-ти. Йил бошидан бери қурилиш-ларга ва савдо шўқобчаларига ундан йўғинга беш минг қад-лар метр атрофида етказиб берилади. Ақолига пулли хизмат қўрсатиш ҳам жамоа даромад-ларининг қўнйишга олиб ке-ляпти. Соғ фойда ҳажми бир миллион 330 минг сўмдан ҳам ошиб кетди. Собир МАХМУДОВ, СУРАТЛАРДА бирлашманинг қалиш ва линолеум цехларидаги иш жараёнлари. Даврон АҲМАД олган суратлар.



Оққўрғон тумани теримда иштирок ҳужаликлариде пахтани этайтган, хирмонда қўлда териш бошлаб ишлаётган, ҳосилни ора-юборилди. Мухим ишга тиш, ташиш, тушириш пухта ҳозирлик қўрилган, билан банд бўлганларга



кўнгилдагидек шароит яратилган жойларда дастлабки кўнларданок юксак кўрсаткич таъминланяпти. Ана шулардан бири тумандаги «Ўзбекистон» жамоа ҳужалигидир. Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан бу йилги мавсумда қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограммига 5 сўмдан ҳақ тўланаётганлиги теримчиларни яхшироқ ишлаб,

кўпроқ даромад олишга ундамоқда. Шунинг учун ҳам ҳужаликда терим суръати тобора кўтарилиб бормоқда. Яқин кўнлар ичида бу ердаги ишлар янада юриши кетди. Чунки механизаторлар терим машиналарини шайлаб қўйишган. Ғўза барглари тўкилган, улар ёппасига ишга тушади. Суратларда: 1. Шай ҳолга келтириб қўйилган

Пахта — 98

«зангори кема»лар яна бир бор кўздан кечирилмоқда. 2. Қўл теримида пешқадамлик қилаётган 13-бригада сардори Талаб Иброҳимов илгор теримчи Ҳасима Ғанибоева ва Дилором Ғафурова билан. Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

Пахта қабул қилиш пунктлари мавсумга шайми?

СИФАТИГА ЖАВОБГАРМИЗ

Табиийки, деҳқон қатта машаққатлар эвазига ҳосил етиштиргандан сўнг уни ўз вақтида йиғиб-териб олиб, мумкин қадар юқори навларга топшириш ва кўпроқ даромад қилиш пайдидан бўлади. Бу борада биз пахта тозаловчилар зиммасига ҳам қатта масъулият юкланади. Заводимиз маъмурияти, ишчи-хизматчилари ҳар йилдагидек бу йил ҳам бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда мавсумга ҳар жиҳатдан тайёргарлик қўриб қўйдилар. Аввало мутахассислар билан биргаликда бизга қарашли пунктлардаги аҳолини ўрганиб чиқдик. У ерда меҳнат қилаётганларнинг истак ва талабларини ҳисобга олиб, айрим ускуналарни янгиладиқ, қўшимчаларини ўрнатдик.

розлар бўлади. Шунинг учун айбни, менимча, аввало, пахтакорлар ўзларидан кидиришлари керак. Агарда машина теримига ажратилган майдонлар ва барг тўкиш ишлари сифатли амалга оширилса, даладар бегона ўтдан яхшилаб тозаланган бўлса, ҳеч шубҳасиз, машиналар унумли ишлайди, терилган пахта ифлосланмайди. Бундай пахта-ни биз юқори навларга қабул қилиб оламиз.

Деҳқонларимиз бунга яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар бу йил машина теримини ташкил этишга алоҳида аҳамият бераётганликларидан хурсандимиз. Ваҳоланки, ўтган йили тунда бу иш ўлда-жўлда бўлиб, қолган машиналарда жуда оз миқдорда пахта терилди. Астойдил ҳаракат қилиб, мўл-ҳосил етиштирган деҳқонлар бу йил ҳам деганда 50 фоиз пахта-ни машиналар ёрдамида териб олиш учун аҳд қилган эканлар, ишончимиз комилки, улар ишни намунали ташкил этиб, кўпроқ юқори навли хом ашё топширадидилар. Ана шунда ҳеч қандай шубҳа, норозиликларга ўрин қолмайди. Бу борада биз ҳам уларга ҳар жиҳатдан ёрдам берамиз. Чунки уларнинг сифатли пахта топширишларидан биз ҳам манфаатдоримиз.

Шунинг учун ҳам мавсумда деҳқонлар терган пахталарини пешма-пеш олиб келиб турсалар, бўлгани, уларни сира махтал қилиб қўймаймиз. Хизматларида ҳам бўлаемиз. Завод ҳузуридаги чойхона, ошхона кечалоқ-кундуз ишлаб туради.

Пахтакорлар ҳаётида ҳам, заводимизда ҳам қизгин дамлар бошланди. Ҳосил карвонлари сони кун сайин кўпаймоқда. Катта хирмон қад кўтармоқда. Бу хирмоннинг баракали бўлиши, мустақилликнинг етти йиллигидаги режаларнинг ўз вақтида ва ошириб бажарилишига тилақдошимиз.

Юнус ОДИЛОВ, Бекобод туманидаги «Далварзин» пахта тозалаш заводи директори.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ БАЛАНД

Бу йил 17 минг гектардан кўпроқ майдонда ғўза парваришланган Ғўза тумани пахтакорлари вилоятда биринчилар қатори теримга киришдилар.

— Ўтган йили ҳосил чакки бўлмади. Даромад эвазига замонавий қишлоқ врачлик пункти очилди, қўшимча синфхоналар қурилди, талайгина ободончилик ишлари бажарилди, — дейди «Анамайил» жамоа ҳужалиги раиси Абдували ака Холжанбоев. — Бу йил иш эрта баҳорданок бошлаб, икки минг тоннадан кўпроқ ҳосил етиштириш, пахталикнинг ўзидан 60 миллион сўм даромад олиш ниятида чигит эдик. Мавжуд 769 гектар майдон 500 оғилга бўлиб берилди. Техника, ўратган камчилди сезилмади. Пудратчилар ишга енг шимариб киришди. Ҳужаликнинг пахта қийғос очилган даладариде ҳосил чўғини аниқлаган мутахассислар ҳар гектар ердан камиде 35-40 центнердан сифатли хомашё йиғиштириб олиш мумкинлигини айтишмоқда. Жумладан, Сотволди Душобоевга қарашли бригада биринчи теримнинг ўзиде 25-30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олмоқда. Теримчилар учун барча маданий-маиший шароит мўҳай қилинган. Ғўза бир килограмм қўлда терилган пахта учу беш сўмдан ҳақ тўланмоқда. Пахтакорлар жами ҳосилни узогу билан 25 иш кунда йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Ҳадемай далага терим машиналари олиб чиқилди.

Ўза мухбири.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ЧАНОҚЛАРДА

Янгийўлда туманидаги «Тинчлик» ширкатлар бирлашмасида бу йилги пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишга пухта ҳозирлик қўрилди

Ҳужалик миришкорлари жорий йилда 1030 гектар майдонда пахта етиштирдилар. — Йил бўйи қилинган меҳнат ўз самарасини берди, — дейди бош ҳосилот Тожибой Борборбоев. — Ҳозир барча пайкаллардаги ғўзалар қийғос очила бошди. Ҳисоб-китобларимизга қараганда даладарда режадаги 2600 тонна «оқ олтин» хирмонини тиклашга етадиган даражада ҳосил бор.

Ҳозир бу ерда йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга тайёргарлик поёнига етказилмоқда. Мавжуд техника воситаларининг ҳаммаси созилиб, тайёргарлик чизмига келтириб қўйилди. Дефоляция уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Кунги кеча ҳужалик даладаридан терилган дастлабки ҳосил хирмонга тўкила бошланди.

Айни пайтда қўл терими кун сайин авж олмоқда. Мавсумга

пухта ҳозирлик қўрилганлиги, теримчиларнинг хотиржам, самарали ишлашлари учун барча шароитлар яратилганлиги учун ҳам суръат тобора кўтарилмоқда. Узро меҳнат беллашувиде Кўчкор Тўйчиев ва Абдусаттор Камоловлар бош бўлган бригадалар заршунослари илгорлик қилишляпти.

— Бу йилги вазиет ҳозирги ганимат кўнларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш тазоэ этмоқда, — дейди пешқад теримчи Мухайё Махаматова. — Ризқ-рўзимиз чаноқларда турибди. Шунинг учун ҳам ғайратни бир дам бўлсада сусайтирмаймиз. Мен дастлабки пайтда 50-60 килограммдан пахта тараётган эдим. Ҳозир кунига хирмонга 80-90 килограммдан «оқ олтин» топширялман. Дугонала, Мухтабар Исахўжаева, Хадича Азимхўжаевалар ҳам бошқаларга ўрнак бўлишляпти.

Рихситилла КАРИМОВ.

БЎЛАЖАК ФЕРМЕРЛАР ШУ ЕРДА ТАЙЁРЛанаДИ

Бундан бир йил аввал Республика Қишлоқ ва Сув ҳужалиги ҳамда Халқ таълими вазирлиқларининг қарори асосиде Тошкент Давлат Аграр дорилфунуни қошида касб-хунарға йўналтирилган лицей очилган эди. Ҳозир унда 100 нафар ўқувчи билим олмоқда. Ўқув даргоҳи келажакда коллежға айлантирилади. Шу кўнларда бу муассасада тайёргарлик ишлари борапти. Унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Лицей директори К. ДУШАМОВ мулоқотимиз чоғиде бир неча саволларимизға жавоб берди.

— Кўзбой Душамович, мазкур ўқув даргоҳининг мақсад ва вазифалари ҳақиде гапириб берсангиз?

— Маълумки, иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда ўз соҳасини пухта эгаллаган етук мутахассислар қўллаш зарур. 21 нафар малякали устозларимиз бор. 12 та махсус жиҳозланган ўқув хоналари, информатика, химия ва чет тили фанлари бўйича лабораториялар ўқувчилар иштирилади. Машгулотлар кўргазмали куроллар асосиде ўтилади. Ўқувчиларға чўқур мустаҳкам билим беришда профессор Абдулатиф Абдусамодов, мева-сабзавотларни бошлаб юборилди.

Ўқув машгулотлари самарадорлигини ошириш мақсадиде дарс беришға дорилфунун профессор ўқитувчиларини жалб этганимиз. 21 нафар малякали устозларимиз бор. 12 та махсус жиҳозланган ўқув хоналари, информатика, химия ва чет тили фанлари бўйича лабораториялар ўқувчилар иштирилади. Машгулотлар кўргазмали куроллар асосиде ўтилади. Ўқувчиларға чўқур мустаҳкам билим беришда профессор Абдулатиф Абдусамодов, мева-сабзавотларни бошлаб юборилди.

Таълим муассасаларида

сақлаш ва қайта ишлаш технологияси фани ўқитувчиси, доцент Рихсидов Жўраев, бозор иқтисодиети асослари ўқитувчиси, доцент Жамолдин Эдгоров ҳамда хукуқшунослик асослари ўқитувчиси, ассистент Раъно Турдибоева ва бошқа ҳамкасбларимизнинг меҳнатлари салмоқли бўляпти. — Ўқув даргоҳиға ўқувчиларни қабул қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида тўхталсангиз... — Билим масканига 9-синф маълумотиға эға бўлган ўқувчилар қабул қилинади. Улардан математика, она тили ва адабиёт ҳамда химия фанлари бўйича оғзаки имтиҳонлар олинади. Қисқаси, иқтисодийгина синаб қурилади. Шундай қилиб, уч йўналиш бўйича иш фойалиятимиз

тажриба майдонлари ва лабораторияларда мустақил ишлай олишлари ҳам зарур бўлади. Ҳозирги замон талаби шу.

— Лицейға ўқишға кирган ёш ўсири неча йил таълим олади? Уларға қандай имтиҳонлар берилган? — Ўқувчиларға ўрта мактаб маълумотини чўқур ўртаги билан бир қаторда мутахассислиги бўйича диплом ҳам берилади. Ўқиш муддати уч йил. Улар ўз шароитларидан келиб чиқиб, ё олий ўқув даргоҳиде ўқишни давом эттирадидилар ё соҳалари бўйича меҳнат фойалиятларини бошлайдилар. Ўқувчиларға йил бўйи стипендия бериб борилади. У уч хил миқдорда белгиланган. Ўқувчилар ҳар ойда 2570 сўм, яхши ва аъло ўқийдиганлар 2370 сўм, ўзлаштириши ўртача бўлганлар эса 2062 сўм олишади.

— Келгусиде яна қандай ишларни амалга ошироқчиёсанлар?

— Режамиз катта. Лицей-имизни коллежға айлантироқчимиз. Дорилфунун ректори ташаббусига қўра ўқувчилар учун махсус кийим ташкил қилинади. Қишлоқ ҳужалиги техника ва машиналарини таъмирлаш учун устакхона очмоқчимиз. Унда ўқувчилар ўз малакаларини ошириб бораверадиладар.

Маълумки, ўқишға асосан ёшлар вилотлардан келишади. Шунинг учун янги ётоқхона биноси таъмирланиляпти. Баъзи бир меҳмонхоналарда ҳам йўқ бўлган шароитларни унда мўҳай қилмоқчимиз. Бундан ташқари, келгусиде ўрта мактабни тутатган ўқувчилар учун мутахассисликлар бўйича сиртки бўлим очиб режамизни мўҳайлаб туриб-миз. Қисқаси, ишни бошладик. Барча муҳим вазифалар, мақсадлар ҳали олдинда.

Муродулла ҒАФУРОВ.

ЭСПЕРАНТО ТИЛИ БЎЙИЧА ҚўЛЛАНМА

Москвадаги «Импето» нашриётиде «Эсперанто халқор тили» китоби чоп этилди. Эсперанто бўйича ўзбек тилидаги бу илк қўлланма Самарқанддаги халқор тинчлик ва биродарлик музейи директори, бутун жаҳон эсперанточилар уюшмаси аъзоси Анатолий Инсев ва шаҳардаги 55-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, «Эсперанто» клуби раҳбари Баҳодир Ҳабибов ёзган. Китобда эсперанто грамматикаси, эсперанточа-ўзбекча, ўзбекча-эсперанточа лугат, ўзбекча-эсперанточа сўзлашувлардан намуналар берилган.

Бугунги кунда дунёда кенг оммалашиб бораётган халқор тил ҳақидеги китобини чоп этишда Канаданин «Карсон» маориф жамғармаси яқиндан ёрдам берган. Самарқанд вилояти фан ва техника маркази уни қўп нусхадда нашр этишини режалаштирмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ, Ўза мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО МАҲСУЛОТ УВОЛ БЎЛМАЙДИ

Қиравий тумани дала ва боғларида бу йил ҳар қачонгидан ҳосил мўл бўлди. Айни пайтда 1200 гектар майдонда бирин-кетин пишиб етлаётган сабзавот, 2550 гектар боғ ва 900 гектар уюмзордаги ҳосилни йиғиб-териб олиш қизгин давом этмоқда. Шу кунгаче эл дастурхониға 22 минг тонна сабзавот, 5260 тонна мева ва бошқа турдаги ноз-неъмат етказиб берилди.

Қиравийликлар бу йил 30 минг тонна сабзавот, 7 минг тоннадан зиёд хўл мева, 5 минг тоннага яқин картошка ва 8 минг тонна уюм етиштиришини режалаштирган эди. Шунча маҳсулотни тайёрлаш ва аҳолиға қайта ишланган ҳолда етказиб беришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил ҳосили мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори миришкорларини бу борадаги ишлариде ўзига хос дастуриламал бўлди.

Қиравийликлар ҳосилнинг бир қисмини Тошкент шаҳридаги қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари орқали аҳолиға етказиб бермоқда. Хусусан, «Юнусобод» деҳқон бозориде шу кунгаче 1200 тоннадан зиёд маҳсулот келтириб сотилди. Маҳсулотнинг эҳтиёждан ортиққасини тўғридан-тўғри четға чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Мазкур масала юзасидан «Байтқўрғон» деҳқон-фермер ҳужаликлари уюшмаси раиси Абдуқарим Қосимовнинг фикри қуйидагиче: — Ишни шартнома асосиде ташкил этаётганимиз яхши самара берляпти. Боғ ва экинзорларимизнинг бугунги кунда ўз эгаси бор. Мавжуд 14 деҳқон фермер ҳужалигининг ўнтаси сабзавотчилик билан шугулланади. Улар маҳсулотини бизга шартнома асосиде етказиб беради. Ўз навбатида биз ҳам бу маҳсулотни тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарига шартнома

асосиде сотамиз. Ҳозиргаче Янги Тошкент ва «Ғазалкент» консерва заводларига, бошқа тайёрлов-савдо шохобчаларига 45 миллион сўмлик ноз-неъмат етказиб берилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда сабзавот-мева маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш борасиде ижобий силжишлар кўзға ташланмоқда. Мухими, мазкур соҳадаги янги имкониятлар кидириб топилаёттири. Хусусан, «Ғазалкент» консерва заводи билан 400 тонна сабзавот-мева етказиб бериш юзасидан шартнома тузган ҳужалик ўз мажбуриятини бажарган, маҳсулот ҳақи ҳисобидан маълум миқдорда қайта ишланган маҳсулотлар олмоқда. Ҳужаликнинг эҳтиёждан ортиқча сабзавот-мева, уюм маҳсулотларини қишға сақлаш имконияти ҳам кенгайди. Шу мақсадда ҳужалик Чирчиқдаги тайёрлов-савдо базасининг юз тонналик совитгич камерасини ижараға олмоқда. Бундан ташқари, ҳужаликнинг ўзидеги мавжуд юз тонна маҳсулотни қайта ишлай оладиган цехни кенгайтириш, замонавий техника билан жиҳозлаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳукумат қароридан руҳланиб, мўл-кўл дала ноз-неъматларини тайёрлаш ва истеъмолчиларға қайта ишланган ҳолда етказиб бериш борасиде қиравийликлар амалга ошираётган ишлар ибратлидир.

Неъмат ДУШАЕВ, Олимжон НОБЕКОВ, Ўза мухбирлари.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

**БОНН.** Германия ҳукумати АҚШ маъмуриятини БМТга бадал бўйича йиғилиб қолган қарзларни тўлашға чакирди. ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел «Ханделсблат» газетасига интервью бериб, БМТ олдида қарздор бўлган давлатлар — биринчи навбатда АҚШ — бадалларни тўлаш лозим, деди. К. Кинкелнинг таъкидлашича, айни пайтда Оқ уйнинг миллатлар ҳамжамиятидан қарзи 2,7 миллиард долларға етган. Бу маблағ ташкилот томонидан ишлаб чиқилган айрим лойиҳаларни молиялаштиришға сарфланиши керак.

**ПАРИЖ.** Япониянинг собиқ бош вазири Р. Хасимото Франция президенти Ж. Ширак билан учрашди. Айни пайтда янги бош вазири К. Обути ҳукуматида махсус дипломатик маслаҳатчи макомини олган Р. Хасимото Парижға халқор молиявий инқироз ва Франция — Япония муносабатларига таълиқли масалаларни муҳокама қилиш учун келган. Елисей саройида бўлган учрашувда ана шу масалалар билан бир қаторда Россиядаги вазият, Кэйдоэ Обутининг яқинда Францияға ташрифиға тайёргарлик масалалари хусусиде ҳам сўз юри тилди. Р. Хасимото Франция бош вазири Л. Жоспен ҳамда Франция банки раҳбари Ж. Трише билан ҳам учрашди.

**СТРАСБУРГ.** Бу ерда Европа кенгаши парла-мент ассамблеясининг навбатдаги сессияси бошланди. Хабарларға қараганда, анжуман кун тартибиде Латвиядаги сайлов натижалари бўйича тайёрланган хисоботи тинглаш, шунингдек, Албания ва Косоводаги вазият, айрим мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, маданият соҳасини ривожлантиришға доир масалаларни қўриб чиқиш кўзда тутилган.

**ЯНГОН.** АҚШнинг Мьянмадаги элчихонаси ушбу давлатда истиқомат қилаётган америкаликларни оғохлантириб, эҳтиёткорликка даъват қилди. Дипломатия ваколатхонаси ходимларининг таъкидлашича, айни вақтда АҚШ билан Мьянма ўртасидеги муносабатлар анча танглашган. Чунки, Оқ уй Мьянмадаги мухолифат таъбиб остига олингани боис ушбу мамлакат ҳукумати юриётган сийёсатни танқид қилиб келмоқда. Жумладан, мьянмалик мансабдор шахслар учун АҚШ ҳудудига кириш чеклаб қўйилган, мамлакатқа қарши иқтисодий жазо чоралари жорий қилинган. АҚШ давлат департаменти эса баёнот тарқатиб, мухолифатдаги демократия учун миллий лига ва унинг етказиши Су Чжиға дайрхоҳлик билдирган.

**ПЕКИН.** Хитой пойтахтида республиканин собиқ раиси Ян Шанкунин дафн этиш маросими бўлди. У 14 сентябрь кунчи ҳаётдан кўз юмган эди. Хитой матбуоти республикани қуриш ва ривожлантиришда катта хизмат кўрсатган Ян Шанкун ҳаёти ва фаолияти ёритилган қатор мақолаларни эълон қилмоқда. Хитой коммунистик партияси «Эски гвардия»сининг сўнги вақили бўлган Ян Шанкун

1988 йили ХХР раиси лавозимини эгаллаган ва 1993 йилгаче мамлакатни бошқарган эди. **ДЕХЛИ.** «Ғарб давлатларининг Ҳиндистонға нисбатан эълон қилган иқтисодий жазо чоралари мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётиға ҳеч қандай таъсир кўрсатаётгани йўқ. Айни пайтда мамлакат халқ ҳужалигидеги барча соҳалар ривожланишда давом этмоқда, иқтисодиётда барқарорлик ҳукм сурмоқда». Ҳиндистон бош вазири Атао Бихари Важапай шундай баёнот берди. Маълумки, Ҳиндистон жорий йилнинг май ойида ядро синовлари ўтказгани сабаб, қатор давлатлар бу мамлакатта нисбатан иқтисодий жазо чораларини эълон қилган эди.

**ҚОҲИРА.** Мисрнинг йирик порт шаҳарларидан бири ҳисобланган Александрия яқинида мамлакат ҳарбий-денгиз қўшинларининг ўқув машқлари бошланди. «Клеопатра-98» деб номланган ушбу тадбирда Франция ва Италия ҳарбий кемалари ҳам иштирок этмоқда. Ҳарбийлар бир неча кун давомида душман суности кема ва самолётларига қарши ҳаракат, вертолёт ёрдамида қўшинларни белгиланган манзилға етказиш ва уларни эвакуация қилиш машқларини ўтказди.

**АФИНА.** Греция ҳукумати мамлакат футбол стадионларида футболчи ва томошабинларға қўлай шарт-шароит яратиш мақсадиде давлат хаазинасидан 21 миллион АҚШ долларин ажратди. Бу ҳақда мамлакат Футбол Федерацияси президенти Костос Аламанос маълум қилди. Унинг айтишича, мазкур маблағ мамлакатдаги барча стадионларни жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун сарфланади. (ЎА).

# МАКТАБ ЯРАТГАН УСТА

**Ўзбекистон Республикаси Шахмат Федерациясининг биринчи вице-президенти, республикада хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси, жисмоний тарбия ва спорт эълочиси, халқаро тоифадаги ҳакам, мамлакат тўрт карра чемпиони, тарих фанлари номзоди, мухандис, Ўзбекистон ёзувчилар ҳамда журналистлар уюшмаси аъзоси...**

Бир қарашда камтарона умргузаронлик қилаётган бир инсонга бундан ортқ мартаба-ю увнов керакми, деган фикрга борасан киши. Зотан, Мамажон ака халқ ўртасида ўзининг дунёқарши, салоҳияти, қолаверса, қуваи ҳофизасининг мукамаллиги билан иззат икром толган азизлардан биридир. Дароқе, Наманганнинг Ширмонпазлар маҳалласида истиқомат қилиб турган Мухиддин Боқиев оиласида тўнғич фарзанд дунёга келганда онаси Собирахон ўғлининг келажакда номини ҳамма тилдан қўймайдиган қомил инсон бўлиши ҳақида ўйланганмикин. Саводли ва илмли Мухиддин ака фарзандларига меҳрибон эди. Зеро, тўнғичи Мамажонга кўпроқ меҳр қўйиб, ука-ю сингилларига бош бўлишини ўйлаган бўлса, ажаб эмас.

Сеҳрли баҳс синаотини тушунишга ҳаракат қиларди. Кўп ўтмай ўзи ҳам шахмат донатлари сира бошлади. Шундагина бу баҳснинг гоҳи завқли, гоҳи дилни хуфтон қилувчи, ҳаёлларни алам-ситамларга чулғовчи улкан машқ майдони эканини қалбдан ҳис этди. 11 ёшидаёқ Фаргона вилояти чемпиони бўлди. Фолиб-лик сурури бу йигитчани шатранж олами сир-синаотлари сари етаклади. Ўзгалликни нозик ҳис этиши, математикага бўлган ҳавас билан уйғунлашиб кетди. Йиллар ўтиб, у Тошкент темирйўл транспорт мухандислари институтининг талабаси бўлди. Шахматни сира қўймади. Бир йилдаёқ Тошкент чемпиони бўлди. Транспорт мухандиси сифатида турли лавозимларда ишлаб юраркан, донда сурури маҳоратини ошираверди. Бора-бора шахмат унинг ҳаёт мазмунига айланди. Уни оқшомлар, учрашувлар, давралар чорлай бошлади.

Шахмат мутахассислари сўзларига қулоқ осди, илмга берилди. Кечаларни тоғларга улади. Учалар билангларини оқ қорозга қоралашга

киришди, редакцияларга бориб турди. Ана шу тарихи шахмат деганда Мамажон Мухиддин номи тилга олинмади даражага етди. Археологик қазилмалар чоғида Далварзин тепадан топиладиган Кувонлар даврига оид нодир буюмлар орасида икки қадимий шахмат донатсининг топилиши Мамажон аканинг тарихимиз «қарига»

## Шундайлар бор бўлсин

назар ташлашига сабаб бўлди. У шахматнинг ватани Хиндистондан кейин Ўзбекистон эканини тасдиқлаш учун далиллар тўплади. Маҳмуд Кошгарий, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Улуғбек, Амир Темур сингари буюк алломалар бисотини варақлади. Абу Хофуз ал-Шатранжи, Наим ал-Ходим Зайраб каби ўтмишдошлар меросига сунди. Меҳнатлари зое кетмади. Шахмат ўзбек халқининг маданияти тарихида ёрқин саҳифа, маънавиятимиз бисотининг ўзига хос қирраси эканини исботлади. У салкам ярим аср журналистик фаолиятида Москва, Ашгабад, Алмати, Бишкек, Душанбе ва Тошкентда нашр этилган газета ва журналларда, радио ва телевидение

— Шунга амал қилиб яшадим. Кам бўлмадим. Қарда бўлмай, «Ўзимизнинг шахматчи, Мамажон ака», дея пешвоз чиқишди. Ҳамиша бир пиёла чай устида гурунглашамиз, донда сураамиз. Эл назарида бўлиш, ҳамиша иззат-икром кўриш бахтига нима етсин.

Уммон тубидаги марваридлар юлдузлар кўзидан тўкилган меҳрдан, баҳор ёмғирларидан ҳосил бўлармиш. Юлдузлар эса наҳорий табассумини уммон юзидоги майин тўқинлардан олади, дейишди. Назаримизда, пирибадавлат устоз Мамажон ака ҳамиша меҳри баланд халқимиз назарида экани билан кўнглига ифтихор туйғусини туйиб юрган бўлса, ажаб эмас. Ўзбеклардан чиққан биринчи шахмат устаси Мамажон аканинг шогирдлари ҳам бисёр. Айни баҳор чоғида шахмат мухлисларини доғда қолдириб кетган Аъзамов ҳам унинг сукули шогирди эди. Шу кунларда эса у Рустам Қосимжон билан фахрланди. Рустамнинг келажиги порлоқ эканига ишонди. Бу йигитнинг номи билан Ўзбекистон доғруғи ҳам йўриқлай. Мамажон ака ҳамон изланишда, ҳамон илм билан банд. Эл ардоқлаган инсон, юртимизда шахмат мактабини яратган устоз шахматни санъат даражасига кўтариш ҳақида ўйлайди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

# «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ТУРНИРИ ЯҚУНЛАНДИ



мусобақанинг нуфузи тобора ортиб, «Эй-ти-пир» сериясига киритилган халқаро турнирлар ичида ўз ўрнига эга бўлди. Бу йилги турнирга Тим Хенман, Евгений Кафельников, Седрик Пилон, Марат Сафин, Марк Россе, Николас Эскуди, Стефано Пескосолидо сингари машҳур теннис юлдузларининг ташрифи буюргани ҳам буни тасдиқлайди.

Бинобарин, «Президент Кубоги» турнирининг финал баҳсида бугунги кунда сайёрамизнинг энг кучли теннисчилари сафидан жой олган икки машҳур спортчи — россиялик Евгений Кафельников ва турнирнинг ўтган йилги ғолиби — Буюк британиялик Тим Хенман учрашди.

Е. Кафельников ва Т. Хенман шу кунга қадар халқаро турнирларда ўзаро етти бор учрашган. Уларнинг бештасида россиялик спортчи, иккитасида эса Буюк Британия вакили ғолиб чиққан. Теннис мусобақасига келган минглаб мухлислар аjoyиб баҳсининг гувоҳи бўлди. Хар икки спортчи ҳам жуда чиройли ўйин кўрсатиб, томошабилар олқисини олди.

Қизгин курашлар остида ўтган бу учрашув Тим Хенманнинг ғалабаси билан яқунланди. У рақибини икки сетда 7:5 ва 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, Т. Хенман кетма-кет иккинчи марта Президент Кубоғини қўлга киритди.

Турнир ғолиби Тим Хенман самийий муносабати учун мамлакатимиз раҳбарига ташаккур изҳор этган экан, Тошкент кортлари ўзи учун жуда омадли эканини таъкидлади. «Президент Ислам Каримов қўлидан кетма-кет иккинчи марта Президент Кубоғини қўлга киритди.

Мусобақа яқунда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди. Маросимни очар экан, «Президент Кубоғи» халқаро турнири ташкилотчиси Сассон Кақшури Ўзбекистон Президент Кубоғи учун бўлаётган бахслар йилдан-йилга кенгайиб, иштирокчилар сонини ортиб бораётганини таъкидлади. Мусобақалар оқсак савияда ташкил этилди. Буни турнир иштирокчилари ҳам, хамаклар ҳам, меҳмонлар ҳам таъкидлашмоқда. Мен барча турнир катнашчилари номидан Президент Ислам Каримовга, маъзур мусобақанинг ташкилотчиларига самийий миннатдорлик билдираман, деди Сассон Кақшури.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов бешинчи халқаро теннис турнири ёпилиш маросимида сўзлаган нутқидо ғолибларни қутлар

(ЎЗА).

**ҚИЛМИШ-КИДИРМИШ**  
**ФИРИБГАРЛАР**  
**ҚЎЛГА**  
**ТУШДИ**  
Туман прокуратураси, миллий ҳавфсизлик хизмати ва ички ишлар бўлими ҳамкорлиги натижасида анчадан бери туманда хўжаликлар раҳбарларини кўрқитиш хисобига мулкий манфаатдорликка эришишга ҳаракат қилиб юрган жиноий гуруҳ қўлга тушди. Уртасарой дехконфермер хўжалиги идораси олдига давлат рақами 11А7195 номерли ВА3-2106 энгил автомашинаси келиб тўхтади-да, ундан икки корейс миллиятига мансуб йигитлар тушиб келиб, раис хонасига кириб кетишди. Улар сохта гувоҳномаларини кўрсатиб раҳбарга бири ўзини вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция ва терроризмга қарши кураш бўлимида, яна бири республика прокуратурасидан деб таништириб... икки коп ун талаб қилишди. Унгача фирибгарлар «Дўстлик» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларидо ҳам бўлишиб, у-бу нарсаларни олиб кетишганди.

Гумондор шахслар охангаронлик 1961 йилда туғилган Родон Ли ва 1952 йилда туғилган Вячеслав Пақлар бўлиб чиқди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг «А» ва «Б» бандлари бўйича жиноий иш кўзгатилади. Ишонч ваколати вазифини суиистеъмол қилганларнинг устидан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Яқинда жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланди.

**Умид АХМЕДОВ**  
олган сурат.

## Табиат ва инсон

Сентябрь ойининг ўртасида жаҳон жамоатчилиги ўн биринчи марта халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунини нишонлади. Бу кун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эрнинг озон қатламини емирадиган моддаларни қўллаш ҳақидаги қарор имзоланганидан кейин белгиланган эди. Бу йил кун «Ердаги ҳаёт учун озонга зийан келтирма» шиори остида ўтди.

## ОЗОН БИЗГА ҲАМ ДЎСТ, ҲАМ...

Ҳақиқатан ҳам, ердан 15-30 километр юқоридоги стратосфера озони сайёрамиз ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу қатлам қуёш радиациясидан ҳимоя қилувчи «ёстиқ» вазифини бажариб, ультрабинафша нурлар йўлини тўсиб туради. Озоннинг қамайиши бу нурларнинг атмосферамизда қўлайиб, ердаги барча тирик жонотнинг халок бўлишига олиб келади. Озон қатлами емирилишининг асосий сабаби ҳеч ким учун сир эмас. Бу — биринчи навбатда атмосферамизнинг фреонлар, хлорборганик бирикмалар ва бошқа зарарли моддалар билан ифлосланишидир. Бироқ, ҳавонинг чиқинди газлар таъсири остида юқори даражада ифлосланиш озоннинг ерда ҳам пайдо бўлишига олиб келишини ҳамма ҳам билавермайди. Бу тарзда ҳосил бўлган озон кучли оксидловчи кучга эга бўлиб, металллар, лак бўёқлар ва муҳофаза қилувчи материалларнинг тез емирилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, у инсон ва ҳайвонларнинг нафас йўллари «қўйдириб», уларнинг умрини қисқартиради.

## Ўшларни истиқлол қилиб тарбиялаш — бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бунда мактабларнинг алоҳида ўрни бор.

Бу йил мактабга илк қадам қўётган болақанлар етти ёшга тўлди. Ҳурриятга тенгдош кичиктойларга Президентимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилиб, бепул ўқув қуроллари мажмуаси тақдим этилди. Мамлакатимиздаги барча мактаб оstonасига қадам қўйган болақанлар каби Ангрэн шаҳридаги 3586 нафар 1-синф ўқувчилари ҳам шундай тўхфага муассар бўлишди.

## Об-ҳаво

Бошқа фаслларни билмади-гу куз об-ҳавосини кузатиш учун кўнларда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво қандай бўлади? Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, 23-27 сентябрь кунлари об-ҳавода ўзгариш бўлади. Агар дастлабки кунларда ҳаво очик қилиб, ҳарорат кечалари 12-17, кундуз кунлари эса 29-34 даражагача иссиқ бўлса, кейинги кунларда унинг пасайиши кутилмоқда. Ҳатто айрим ҳудудларда момақалдирик бўлиб, емирг ёғиши мумкин. Шу паллада кечалари ҳарорат 9-14, кундузлари 17-22 даражагача иссиқди.

## АВВАЛ КЎТАРИЛАДИ, КЕЙИН...

Тошкент шаҳар Ақмал Икромов туманидаги ИАБ «Коржума» хусусий фирмасининг йўқолган **ДУМАЛҚ МУХРИ** ва **БУРНАКЛИ ТАМГАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Тошкент шаҳар Ақмал Икромов туманидаги ИАБ «Анвар» хусусий фирмасининг йўқолган **ДУМАЛҚ МУХРИ** ва **БУРНАКЛИ ТАМГАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Ақмал Икромов туманидаги ИАБ «Анвар» хусусий фирмасининг йўқолган **ДУМАЛҚ МУХРИ** ва **БУРНАКЛИ ТАМГАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## «НЕФТЧИ» ПЕШҚАДАМГА ЯҚИНЛАШИБ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси 7-миллият чемпионати олий табақа жамоалари ўртасида навбатдаги XXI тур ўтказилди. Бу турда вилоятнинг вакили «Дўстлик» жамоаси чемпионатда пешқадамликни қўлга олиб, «Пактакор» Осиё Кубок эгалари Кубоғи бахсларида Тожикистоннинг «Хўжа» жамоаси билан жавоб учрашувини ўтказди. Қисқача шу ўйин ҳақида. Учрашув бироз ноҳуш бошланди. «Пактакор»чилар биринчи бўлиб ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбордилар. Бунинг устига тўпурлар баҳсида карвонбошилик қилаётган Миржалол Қосимов рақиб дарвозаси томон белгиланган 11 метрик жарима тўпини дарвозага йўллай олмади. Шундан сўнггина «Пактакор»чилар кетма-кет ҳужумлар уюштириб, рақиблар дарвозасига 4 мартаба тўп киритишга муваффақ бўлдилар ва ўзини 4:1 ҳисобида ўз фойдаларига яқунлади. Ҳужумдаги учрашув 1:1 ҳисобида дуран натижа билан тугаган эди. Энди «Пактакор»чилар Осиё Кубок эгалари Кубоғининг навбатдаги босқичи ўйинини 9 октябрда Тошкентда ўтказадилар. Миллий чемпионатда иккинчи ўринни эгаллаб турган Фарғонанинг «Нефтичи» жамоаси ўз майдонига МХСК жамоасини қабул қилиб, 5:1 ҳисобида ийрик галабага эришди ва муҳим 3 очкони қўлга киритиб, тўплаган очколар сонини 47 га етказди. «Пактакор»да эса 48 очко бор. Наманганнинг «Навбахор» жамоаси Андижонда майдон эгаларига қарши ўйнаб 2:1

хисобида галаба қозондилар. Бекободнинг «Металлург» жамоаси «Сўғдиёна»га қарши майдонга тушди. Учрашув хар икки жамоанинг фаол ҳаракатлари билан ўтган бўлса-да, майдон эгаларига 1:1 мартаба мекхонлар дарвозасини ишғол қилдилар. Учрашув 1:0 ҳисобида «Сўғдиёна» фойдасига хал бўлди. Тошкентда «Трактор» жамоаси Қаршининг «Насоф» жамоасини қабул қилди. Учрашувининг биринчи бўлимида ҳеч ким кутмаган воқеа ўз берди. Майдон эгалари ўрнига, меҳмонлар «Трактор» жамоаси дарвозасига 2 та жавобсиз тўп киритиб, 1-булимини 2:0 ҳисобда ўз фойдаларига яқунлади. Фақат 2-булимдагина майдон эгалари уларнинг ўнглаб олиб, рақиб дарвозасини кетма-кет «ўқ» тута бошладилар. Нихоят ҳужумлар ўз самарасини берди. Улар «Насоф» жамоаси дарвозасини 4 мартаба забт этидилар. Натижада ўйин 4:2 ҳисобидо майдон эгалари фойдасига яқунланди.

Кўкonda «Темирйўлчи» — «Косонсой» жамоалари учрашуви 2:1 ҳисобида «Темирйўлчи» фойдасига яқунланди ва улар муҳим 3 очкони қўлга киритиб, жадвалда 5-ўринга қўтарилиб олдилар. Ҳудуд шундай 2:1 ҳисоби яна 2 учрашувда қайд этилди. Бухорода майдон эгалари «Зарафшон» жамоасига Термида эса «Сурхон» — «Хоразм» жамоасига шу ҳисобда бой бердилар. Натижада Бухоро ва Термида майдон эгалари мағлубиятга учрадилар. Навбатдаги XXI турда вилоятимиз вакили «Дўстлик» пойтахтининг «Трактор» жамоасини қабул қилди, «Металлург» эса Бекободда «Сурхон» билан учрашди. «Пактакор» изидан қувиб бораётган «Нефтичи» жамоаси Қаршида «Насоф» меҳмони бўлади.

Талъат ЮСУПОВ.

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ**  
**TOSHKENT HAQIQATI**

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бosh муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУХИДДИНОВ**

**Маълумот:**  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**  
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:  
133-40-48  
Эълонлар:  
133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.